




Эрон бош консули Саид Гуломрез Майгуний Аштархон (Астрахан) шахридаги жанговар шон-шараф музейига кўйилган подшоҳ Иван Грозныйнинг дубулгасига ёзилган битикни ўқиб берди. Дипломатнинг таъкидлашича, шохона дубулганинг тасмасига камёб араб лахжаларининг бирида “Аллох Мухаммад”, деб ёзилган. Бу икки сўз ҳаммага маълум “Аллох ягона ва Мухаммад Унинг кули” шаходат калимасининг қисқартирилгани бўлиши мумкин.



Аштархон шахри Иван IV-нинг каттиққўл сиёсати ортидан Россия давлатининг таркибига 450 йил олдин қўшилган эди. Мазкур оламшумул тарихий ашё Россияга айнан шу санага бағишланган маросим учун Стокгольм қурол-аслаҳа палатасидан махсус келтирилган эди. Олдинроқ дубулга Москва Кремлининг қурол-аслаҳа палатасида қўлга олинган эди.



Дубулганинг Стокгольм қурол-аслаҳа палатасига қандай бориб қолгани ҳақида бир қатор тахминлар мавжуд. Шуларнинг бирига қўра, дубулга Москвани қўлга олган “фитнали 1611-1612-йиллар” пайтида қўлга киритилган бошқа хазина моллари қатори Сигизмунд қароргоҳи Варшавага жўнатилган. Кейинроқ, яъни 1655-йили, полякларни мағлуб қилган шведлар уни ўз ўлжаси қатори Варшавадан Швецияга олиб чиқиб кетган бўлишлари мумкин. Дубулга Стокгольм шохона қурол-аслаҳа палатаси ашёси қатори биринчи марта 1663-йили рўйхатга киритилган.

Шох Михаил Фёдорович дубулгаси

“... Дубулга 1621-йили уста Никита Давидов томонидан тайёрланган. Давидов курол-аслаха палатаси тарихида энг мохир усталардан бири бўлиб, у палатада қарийб 40 ишлаган ва XVII асрнинг 60-йилларида вафот этган. У мазкур дубулгани махсус Михаил Фёдорович учун турли маросимларда кийиладиган бош кийими сифатида ясаган. Биз ушбу дубулганинг тарихини диққат билан ўрганганимизда унинг устига хоч ўрнатилганини кўрдик. Бошқача қилиб айтганда, бу оддий бир дубулга эмас, балки рус қиролларининг жанговар тожидир...



... Шох Алексей Михайлович эса отасининг дубулгасини кияр эди ва унинг ўзи учун дубулга ясалмаган эди. Дарвоқе, бу дубулга шунчалар чиройли ва ҳушбичимки, ҳатто XIX асрда у аввал Александр Невскийга тегишли бўлганлиги ҳақида афсоналар ҳам тугилган. Мазкур дубулга Россиянинг XIX аср ўрталарида қиритилган расмий гербининг таркибига қўшилган. Агар Александр Невский номли нишонга (орден) разм солинса, расмда рус қироли ва авлиёсининг бошига айнан шу дубулга кийилгани кўрилади.



Дубулгага Куръоннинг 61-сурасидаги 13-оятнинг бир қисми ёзилган: **“Аллохдан ёрдам ва якин зафар. Ва мўминларга башорат бер**

”

Фёдор Иванович Мстиславский (XVI аср — 1622-йил) — Мстислав сулоласининг охири Гедиминович подшоҳи, дума аристократиясининг бошликларидан бири, боярин (1576), кўмондон Иван Фёдорович Мстиславскийнинг ўғли.

Қирол Фёдор Иванович Мстиславскийнинг араб ёзуви туширилган дубулгаси:



Абу муслим Гаиерлади